

## **ANTHROPONYMS WITH ANIMISTIC AND TOTEMISTIC MOTIVATION IN UZBEK FOLK FAIRY TALES**

Rahmatullaev Sh.

Lecturer at the Department of Uzbek Linguistics, Bukhara State University

### **Аннотация**

Мақолада антропонимларининг аксарияти қадимги инсонларнинг руҳий олам, ўзга дунё, табиат кучлари ва ҳодисалари, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси, қушлар олами ҳақидаги анимистик, тотемистик ва фетишистик тасаввур-тушунчалари асосида номинацион-мотивацион тарзда шакллангани англашилади.

### **Annotation**

The article understands that most of the anthroponyms are nominatively motivated based on the animistic, totemistic and fetishistic ideas of ancient people about the spiritual world, the other world, the forces and phenomena of nature, the animal and plant worlds, the bird world.

### **Аннотация**

В статье понимается, что большинство антропонимов имеют номинативную мотивацию, основанную на анимистических, тотемистических и фетишистских представлениях древних людей о духовном мире, потустороннем мире, силах и явлениях природы, животном и растительном мире, мире птиц.

**Аннотация.** Мақолада антропонимларининг аксарияти қадимги инсонларнинг руҳий олам, ўзга дунё, табиат кучлари ва ҳодисалари, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси, қушлар олами ҳақидаги анимистик, тотемистик ва фетишистик тасаввур-тушунчалари асосида номинацион-мотивацион тарзда шакллангани англашилади.

**Калит сўзлар:** анимистик, тотемистик, фетишистик, тасаввур ва тушунчалар, ҳалқ маданияти.

**Ключевые слова:** анимистическая, тотемистическая, фетишистская, образно-понятийная, народная культура.

**Keywords:** animistic, totemistic, fetishistic, imaginative and conceptual, folk culture.

Жаҳон тилшунослигига бўлгани каби ўзбек тилшунослигига ҳам фольклор асарларининг тили билан боғлиқ миллий-лисоний бирликларни, жумладан, улардаги антропонимларни аниқлаб, этнолингвистик ва этномаданий жиҳатдан мотивлашиш асосларини очиш антропонимика ва лингвофольклористика соҳаларининг ривожи учун

жуда муҳим ва долзарб ҳисобланади. Чунки ўзбек халқ эртакларида шундай антропонимлар учрайдики, уларни реал ҳаётда бирор кишининг номи сифатида учратиб бўлмайди (масалан, Арзаки, Гунгала каби). Шунингдек, эртак антропонимларининг аксарияти қадимги инсонларнинг руҳий олам, ўзга дунё, табиат кучлари ва ҳодисалари, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси, қушлар олами ҳақидаги анимистик, тотемистик ва фетишистик тасаввур-тушунчалари асосида номинацион-мотивацион тарзда шакллангани англашилади. Жумладан, қадимги одамларнинг анимизм асосида жон ва руҳ борлигига, инсон руҳи унинг танасидан ташқарида, бошқа нарсаларга кўчиб яшashi мумкинлигига ишончи асосида бир қатор эртак антропонимлари шакллантирилган. Улардан энг машхурлари Қилич ботир, Қиличқора антропонимларидир. Уларнинг номи билан аталадиган ўзбек халқ эртакларида бу қаҳрамонларнинг жони танасида эмас, қиличидан бўлади. Токи, уларга тегишли қиличга заарар етказилмаса улар ўлмайди, шикастланмайди. Бу эса бевосита қадимги инсонларнинг исм инсон танаси билан боғлиқ бўлиши ҳақидаги тасаввур-тушунчасини ўзида намоён этади. Чунончи, “Қилич ботир” ва “Қиличқора” эртакларида қаҳрамоннинг жони танасида эмас, балки уларга тегишли қиличда сақланиши, шунинг учун уларнинг номи “Қилич” экани ҳикоя қилинади. Албатта, эртакка хос бу бадиий мотив бевосита анимистик тушунчалар қолдиги сифатида эътиборни тортади.

Халқ эртак қаҳрамонлари исмида ибтидоий инсонларнинг нафакат анимистик, балки тотемистик қарашлари ҳам бадиий ифода акс этганини кузатиш мумкин. Тотемизм – одамнинг бирор ҳайвон ёки ўсимлик тури билан ўзини қондош деб билишдан иборат ишонч-эътиқоди тизими бўлиб, унга кўра ибтидоий инсон у ёки бу жоноворни ўз уруғининг ҳимоячиси, ҳомияси деб тушунган. Туркий халқлар, жумладан, қадимги аждодларимиз от, ҳўқиз, илон, бўри, ит каби ҳайвонларга, айрим қушларга ва паррандаларга эътиқод қўйганлар. Шулар орасида от ва бўрини тотем ҳайвон сифатида алоҳида эъзозлашган. Тотемлар билан боғлиқ бир қанча генеологик афсоналар ҳам мавжуд. Уларда у ёки бу уруғ-қабиланинг келиб чиқиши кўпинча она бўри образига боғлаб талқин этилади. Бўри тотемига алоқадор эртаклар ҳам анчагина: “Чўлоқ бўри”, “Бўри қиз” каби эртаклар шулар жумласидандир. Бу эртакларда персонажнинг аниқ исми эмас, балки унинг нимадан келиб чиқсанлигини билдирувчи номи “бўри қиз”, “ilon йигит”, “айиқполвон” тарзида тилга олинади.

Шуниси борки, баъзи чақалоқлар туғилганида тиши билан туғилади. Бундай чақалоқларга, албатта, ўғил бола бўлса – Бўрибой, қиз бола бўлса – Бўригул деб исм кўйилади. Акс ҳолда бола эрта нобуд бўлади, деб қаралади.

Кўринадики, бу каби исмларнинг келиб чиқиш илдизлари бевосита ибтидоий инсонларнинг тотемистик тасаввур-тушунчаларига бориб тақалади.

Халқимиз орасида фетишизм билан боғлиқ тарзда келиб чиқсан исмлар ҳам мавжуд. Бунга кўра бирор бир нарсанинг номи инсонга қўйилса, ўша нарса инсон руҳини

ҳамиша ҳимоялаб юради, деб қаралган. Шунга биноан, қимматбаҳо тошлар номи билан, гуллар, нарсалар номи билан боғлиқ бир қатор исмлар келиб чиққан. Жумладан, Феруза, Тумор, Тош, Тоштемир, Оина ва ҳоказо каби исмлар шулар сирасига киради. Масалан, Оина исми “Сирли туш” эртаги сюжетида учрайди. Унда ҳикоя қилинишича, Боғдод томонда Зуннун номли подшо яшар экан. Подшонинг бир неча хотинлари бўлиб, ҳеч биридан фарзанд қўрмабди. Фарзандсизлик алами подшонинг жон-жонидан ўтибди. Охирги марта уйланишга қасд қилиб, бой ҳам, камбағал ҳам бўлмаган бир кишининг қизига уйланибди. У ҳомиладор бўлиб, дунёда гўзалликда ҳеч тенги йўқ бир қиз туғибди. Қизга Оина деб исм қўйибдилар. Оина кундан-кунга катта бўла бошлабди. У жуда зийрак, ақлли қиз бўлиб ўсибди. Саккиз-ўн ёшларида қиз подшолик ишларида отасига ёрдам бера бошлабди. Отаси эса бундан жуда хурсанд бўлибди.

Сюжетида қаҳрамоннинг туғилиши ва унга исм қўйиш мотиви учрайдиган эртаклар жуда кўп. Бундай мотив нафақат эртакларда, балки афсона ва достонлар сюжетида ҳам учрайди. Эпик қаҳрамонга исм қўйиш мотиви эртакларнинг кириш қисмида, яъни экспозициясида ёрдамчи тугун мавқеида келади. Исм орқали эпик қаҳрамон тингловчига таништирилади. Унинг характер-хусусиятидан огоҳ этилади.

Демак, ўзбек халқ эртакларида учрайдиган қаҳрамонга исм қўйиш мотивининг тарихий илдизлари жуда чукур бўлиб, қадим замонларда яшаган аждодларимизнинг турли эътиқодий қарашлари, мифологик ишончлари, турмуш тарзи, исм қўйиш маросими урф-одатларига бориб тақалади. Кўпроқ уларда исм билан боғлиқ табуларнинг таъсири ҳам сезилади. Қадимги инсонлар исмга табу билан муносабатда бўлгани учун унга жиддий қараган. Шу қарашлар замирида туғилган болага исм қўйиш жараёни маҳсус маросим кўринишида шакллантирилган ва у ўзига хос масъулият билан амалга оширилган. Ҳозиргача халқимиз орасида туғилган болага “Исл тўйи” қилиш, “Ақиқа” ўтказиш удумлари сақланиб келмоқда. Улар ўзига хос удумларни қамраб олади. Халқимиз орасида белги билан туғилган чақалоқларга, бемор болаларга, туғилмай етим қолган норасидаларга, эгизакларга исм қўйишида муайян анъаналарга, тартиб-коидаларга амал қилиниб келинганки, қўпинча эртакларда шуларга бадиий ишора қилиб ўтилганини кузатиш мумкин.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Бегматов Э.А. Ўзбек исмлари изоҳи. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 2016. – Б.154, 256, 396, 539, 573.
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Иккинчи жилд. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 2007. – Б.645.
3. Ўзбек халқ эртаклари. 2-том. –Т.: “Ўқитувчи” нашриёти-матбаа ижодий уйи. 2007. 245 б.